

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ХУДОЙБЕРДИЕВ БАҲОДИР КАРИМБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура.

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Худойбердиев Баходир Каримбердиевич

Ўзбекистон Республикасида Ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг
ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....

Худойбердиев Баходир Каримбердиевич

Совершенствование правовых основ деятельности органов военной
прокуратуры в Республике Узбекистан.....

Xudoyberdiyev Bahodir Karimberdiyevich

Improvement of the legal framework for the activities of the Military Prosecutor's
Office in the Republic of Uzbekistan.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

ХУДОЙБЕРДИЕВ БАҲОДИР КАРИМБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташкил этиш. Адвокатура.

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Dostor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2025 йил

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясисининг 2023 йилнинг 3-сонли бюллетенида В2023.3.PhD/Yu1165-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мамасиддиқов Музаффаржон
Мусаҷонович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пулатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор
Исроилов Дилшод Шавкатович
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 17 сентябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (65-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 28 август куни тарқатилди.
(2025 йил 28 августдаги 30-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув давом этаётган ва халқаро муносабатларнинг бутун тизими ўзгариб бораётган шароитда ҳарбий-сиёсий вазият халқаро ва минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кўлами кенгайиб бораётганлиги, ахборот макони ва кибермаконда ўзаро кураш кучайганлиги билан тавсифланади. Бу каби таҳдидлар ҳар бир мамлакатда амалда бўлган қонунлар ижросининг заифлашишига, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳамда қонунчилик ижроси устидан назоратни олиб борувчи органларнинг фаолиятида ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганини эътиборга олиб, прокуратура тизимларининг хилма-хиллигига қарамай, бу тузилманинг асосий вазифаси фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани боис, бугунги кунда унинг ҳуқуқий ва илмий асосларини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу борада Қуролли Кучларнинг жанговор шайлиги, ҳар қандай вазиятда давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолисининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигининг мустаҳкам ҳимоясини таъминлай олиши учун, бу устувор йўналишда қонунлар ижроси устидан самарали назоратни таъминлашда ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлиши талаб этилади. Шу боис, ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий соҳада қонунлар ижроси устидан тўлақонли прокурор назоратини ўрнатишда, прокуратура органларининг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни илмий ечимини топиш ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272-сонли Фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида, Ҳарбий прокуратура Янги Ўзбекистон шароитида Қуролли Кучлар тизимида мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини ошириш, суверенитетини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши, коррупция, шу жумладан бюджет маблағлари ва давлат мол-мулкларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун масъул этиб белгиланган. Бу эса ҳарбий прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва назарий асосларини,

фаолиятининг асосий йўналишлари ва функцияларини, ҳарбий прокуратура органлари фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ошкораликни таъминлаш, уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2022) Фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги низом ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда диссертация мавзуси мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мавзунинг баъзи жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асрлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, М.Махбубов, З.С.Ибрагимов, М.К.Қосимова, В.Р.Маннанов, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, О.М.Мадалиев, М.Х.Рустамбаев, Г.Р.Маликова, А.Ж.Давлетов, Е.Н.Никифорова, А.А.Махмудов, Ш.Ж.Рахимов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида муайян даражада ўрганилган¹.

Шунингдек, Е.В.Коленко, А.Б.Комилов, Д.Ш.Ибрагимов, Б.Т.Кадирова ва У.Х.Абдуолимовлар ўз илмий изланишларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимояси, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари, прокуратура органларининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг (Ўзбекистон ва Туркия мисолида) назарий, ташкилий жиҳатлари ўрганилган. Шу билан бирга, Ж.Р.Ширинов, С.Ўрозбаев ва Ш.З.Долимовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда

¹ Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғатлари, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тартибга солиниши масалалари ёритиб берилган.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштиришнинг баъзи ўзига хос жиҳатлари В.И.Басков, А.Ю.Винокуров, А.С.Евдокимов, М.Н.Маршунов, В.Д.Ломовский, В.Г.Даев, В.Г.Мелкумов, В.С.Тадевосян, Н.С.Лыкошин, В.Н.Додонов, Р.Давид, В.Н.Галузо, В.Клувер, Г.Уэддл, А.А.Семенов, Х.Ш.Арслонов, К.Ф.Гуценко, М.А.Ковалев, О.О.Тишкин, И.П.Петрушевский, О.Ю.Ханюкова ва бошқа олимларнинг асарларида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган².

Ўзбекистонда ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари амалий ва назарий жиҳатдан комплекс тарзда диссертация даражасида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг тадқиқот режасига киритилган ва илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий муаммоларни аниқлаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий прокуратуранинг шаклланиши ва ривожланишини ретроспектив таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида ҳарбий прокуратуранинг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиш;

Қуролли Кучлар ва ҳарбий тузилмаларда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

Қуролли Кучлар ва ҳарбий тузилмаларда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг объекти, предмети ва чегарасини аниқлаш масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органларида прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва такомиллаштириш масалаларини ёритиш;

Хорижий мамлакатларда ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

² Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ва тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида ҳарбий прокуратура фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, ҳарбий прокуратура фаолиятини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича айрим илмий ёндашувлар ва бу билан боғлиқ илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда ретроспектив таҳлил, тизимли таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, мантиқий таҳлил, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик сўров ҳамда қонун ҳужжатларини шарҳлаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ҳарбий прокуратура органлари мустақилдир, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши илмий асослантирилган;

Ҳарбий прокуратура органлари шахсий таркиби учун Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва фуқаро ходимларига қўлланиладиган таъминот, ижтимоий ҳимоя ва бошқа барча турдаги имтиёзлар белгиланган шакл ҳамда меъёрлар асосида тўлиқ татбиқ этилиши зарурлиги илмий асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил этиб белгиланиши, ҳудудий ҳарбий прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан лавозимга тайинланиши ҳамда лавозимидан озод этилиши лозимлиги асослантирилган;

Ҳарбий прокуратурага юклатилаётган асосий вазифалардан келиб чиқиб, унинг марказий аппарати тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида Қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими негизида Қуролли Кучларда қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими ташкил этилиши зарурлиги асослантирилган;

Ҳарбий прокуратура ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек пенсионерларнинг тиббий таъминоти ва даволаниши Мудофаа вазирлиги тиббиёт муассасалари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига прокуратура органлари томонидан қонунийликни таъминлашга ҳамда прокуратура органлари фаоиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

назарий қарашларни илмий таҳлил этиш орқали Қуролли Кучларда қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда прокурор назоратининг объекти ва предметига муаллифлик таклифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари-Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланиши, унинг ваколат муддати бошқа прокурорлар каби беш йил экани ҳақида Конституцияга янги нормаларни киритиш таклифи асослаб берилган;

прокуратура органларининг тизимига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан кейин вилоят прокуратураларига тенглаштирилган, унинг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасини Республика даражасидаги қуйи органи сифатида киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва унга бўйсинувчи ҳарбий прокурорларни ҳар йили тегишинча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Мувофиқлаштирувчи Кенгашига, округ қўшинлари қўмондонлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, зарур ҳолларда, Мувофиқлаштирувчи Кенгашни назорат ҳудудида қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни тегишли моддаларини тўлдириш киритиш таклифи асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ваколатларини кенгайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига янги моддани киритиш таклифи асослаб берилган.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомга Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ваколатларини кенгайтириш мақсадида, “Ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий хизматчиларига “адлия подполковниги”гача бўлган, “адлия подполковниги” ҳарбий унвони қўшилган ҳолда (офицерлар таркибининг бошланғич “лейтенант” ҳарбий унвони бундан мустасно) ҳарбий унвонлар Ҳарбий прокурор буйруғи билан;” -берилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифи асослаб берилган.

“Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомга, ҳарбий прокуратура органлари пенсионерларининг ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш мақсадида, пенсионер гувоҳномасидан бепул

юришга имтиёз берилган жамоат транспортида фойдаланиш ҳуқуқига эга экани тўғрисида таклифи асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби якунида келтирилган хулосалар, шунингдек, диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, тадқиқот ишида қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олинган, хорижий тажриба ва миллий қонун ҳужжатлари ўзаро таҳлил қилинган, хулосалар 2.073 (икки минг етмиш уч) нафар прокуратура органлари ходимлари ўртасида социологик (анкета) сўровлари ўтказилган, Ҳарбий прокуратура органларининг 2020-2024 йиллардаги фаолиятига доир статистик маълумотлар таҳлил этилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, прокуратура фаолиятининг концептуал ғояларини янада ривожлантиришда, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, прокурор назорати каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланишга ва ҳарбий прокуратура фаолиятини тадқиқ қилиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотларни амалга оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан прокуратура органлари хусусан, унинг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ва қонун ижодкорлиги фаолиятида, “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низом қоидаларини қўллаш амалиётида, шу жумладан ҳарбий прокуратура тезкор ходимлари, юридик олий таълим муассасалари ўқув жараёнида, айниқса “Прокурор назорати”, “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда, ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

Ҳарбий прокуратура органлари мустақилдир, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 сентябрдаги 27/2-252-24-сон далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши мамлакатимиз Қуролли Кучларида қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ҳарбий прокуратура органлари шахсий таркиби учун Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ва фуқаро ходимларига қўлланиладиган таъминот, ижтимоий ҳимоя ва бошқа барча турдаги имтиёзлар белгиланган шакл ҳамда меъёрлар асосида тўлиқ татбиқ этилиши зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 сентябрдаги 27/2-253-24-сон далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши ҳарбий прокуратура органлари шахсий таркиби ижтимоий ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг ваколат муддати беш йил, шунингдек туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганувчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилиши лозимлиги ҳақидаги таклифдан 2023 йил 30-октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-873-сонли қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2024 йил 17 сентябрдаги №3/08-176-сон далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши Ҳарбий прокурор ва унга бўйсинувчи ҳудудий ҳарбий прокурорларнинг ваколат муддатининг қонунчиликда белгиланиши ҳамда мазкур прокуратура ҳудудий ҳарбий прокурорларининг катта ёрдамчилари, ёрдамчилари, прокуратура катта терговчилари ва терговчилари, иш ўрганувчиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалаларининг қонуний ечимини топишига хизмат қилган.

Ҳарбий прокуратурага юклатилаётган асосий вазифалардан келиб чиқиб, унинг марказий аппарати тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида

Қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими негизида Қуролли Кучларда қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими ташкил этилиши зарурлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 сентябрдаги 27/2-253-24-сон далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Ҳарбий прокуратура ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек пенсионерларнинг тиббий таъминоти ва даволаниши Мудофаа вазирлиги тиббиёт муассасалари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 25 сентябрдаги 27/2-252-24-сон далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек пенсионерларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференция тўпламида, 5 та илмий журналларда (шундан, 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий

янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилингани, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси фаолиятининг назарий – ҳуқуқий асослари” деб номланган биринчи бобида**

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий прокуратуранинг шаклланиши ва ривожланиши: ретроспектив таҳлили, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида ҳарбий прокуратуранинг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди.

Мамлакатимиз прокуратура органларининг алоҳида ҳарбий тузилмаси сифатида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси марказида Нукус ҳарбий прокуратураси, Тошкент шаҳрида Тошкент ҳарбий прокуратураси ва барча вилоятлар марказларида ҳудудий ҳарбий прокуратуралар фаолият кўрсатиши тадқиқотда ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳамда ҳарбий прокуратуранинг ривожланиш тарихи Мусулмон (Ислом) маданияти асрларидан то бугунги кунга қадар даври таҳлил қилинган, Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг ривожланиш тарихи асосий бешта даврни, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилнинг октябрь тўнтаришигача бўлган давр, прокуратура тизими шаклланган 1917-1924 йиллар, Ўзбекистон Республикасининг собиқ Иттифоқ (СССР) таркибидаги ривожланиши даври 1924-1991 йиллар, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинган 1991 йилдан 2016 йилнинг сентябрь ойигача бўлган давр ва 2016 йилнинг сентябрь ойидан бошланиб, ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олиши ҳақида хулосага келади.

Тадқиқотчи томонидан мамлакатимиз 1991 йилда Мустақилликка эришганидан сўнг, Ҳарбий прокуратура органларининг ривожланиш тарихи учта даврни ўз ичига олади, **биринчиси** 1992 йил 28 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳарбий трибуналлар ва ҳарбий прокуратура органлари тўғрисида”ги ПФ-355 сонли Фармони қабул қилинганидан 1999 йил 30 март кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-2277 сонли Фармони қабул қилингунга қадар бўлган даврни, **иккинчиси** 1999 йил 30 март кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-2277 сонли Фармони қабул қилинганидан 2022 йил 23 декабрь кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони қабул қилингунга қадар бўлган даврни, **учинчиси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни

таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони қабул қилинган кундан бошланиб, ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олиши ҳақида ҳулосага келинган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимидаги унинг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ҳарбий прокуратуранинг ўрни ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, ҳарбий прокуратура органларининг фаолияти жамият тараққиётидан ташқари, Янги Ўзбекистон шароитида Қуролли Кучлар тизимида мамлакатнинг муҳофаза салоҳиятини ошириш, суверенитетини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишида масъул этиб белгилангани асослантириб берилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари ҳисоблангани боис, Бош прокуратура томонидан Ҳарбий прокурорга ижросини таъминлаш учун юбориладиган тегишли топшириқ, кўрсатма, йўналтирувчи хатлар ҳамда ариза ва мурожаатлар фақатгина Бош прокурор ёки Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари томонидан юборилиши, Бош прокуратура бошқарма ва бўлимларидан эса Ҳарбий прокурор ўринбосарларига юборилиши тартибини йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ экани ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 10-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритиб, қонунчиликдаги прокуратура органлари тизимида вилоят прокуратураларига тенглаштирилган унинг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасини прокуратура органларининг Республика даражасидаги қуйи органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидан кейинги ўринга киритиш, шунингдек ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳукукий асосларини қонунчилик билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Ҳарбий прокуратурада прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобида** Қуролли Кучлар ва ҳарбий тузилмаларда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий йўналишлари, Ҳарбий прокуратурада прокурор назоратининг объекти, предмети ва чегарасини аниқлаш масалалари, Ҳарбий прокуратурада прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тузилиши ва уларни ташкил этилиши, асосий вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамияти, бу борада, ҳарбий прокуратуранинг Қуролли Кучлар ва ҳарбий тузилмаларда прокурор назоратини самарали таъминлашида, унинг қонунчиликка кўра ваколат ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасини янги 11-13 хатбоши

билан тўлдириш, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори ва унга бўйсинувчи ҳудудий ҳарбий прокурорлар ҳар йили тегишинча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўмондонлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгашига, ҳудудларда эса округ қўшинлари қўмондонлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, зарур ҳолларда, Мувофиқлаштирувчи Кенгашни назорат ҳудудида қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилиши юзасидан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни илгари сурган.

Тадқиқотчи томонидан ҳарбий прокуратурада прокурор назорати предмети Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари, ҳарбий хизматчининг, фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш, гауптвахталарда ҳарбий хизматчиларнинг сақланиши ва интизомий қисмда жиноий жазоларни ҳамда ҳарбий қисм ва муассасаларда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этишда қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши тўғрисида назарий тушунчалар асослаб берилган.

Прокурор назорати давлатнинг қонун устуворлигини таъминлашдаги муҳим механизмларидан бири бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунийликни таъминлашга қаратилган. Прокурор назорати фаолиятини самарали амалга ошириш давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат ташкилотлари томонидан қонунчиликка риоя қилинишига кафолат беради.

Шу боис, тадқиқот ишида мамлакатимиз ҳарбий прокуратура органларида прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардияси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасаларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши асослаб берилган.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Қуролли Кучлар соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига зид равишда чиқарилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатларини мазкур қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш чораларини кўриш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тегишли қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш, ҳарбий маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасидан Қуролли Кучлар тизимини ривожлантириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланишида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни таъминлаши асослантирилган.

Мудофаа саноати ва бошқа соҳалардаги давлат дастурларининг ўз вақтида бажарилиши, замонавий ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши борасидаги вазифалар ижросини назорат қилиши, Қуролли Кучларга ажратилган ер майдонлари, бино ҳамда иншоотлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни ижарага беришнинг қонунийлиги устидан назорат қилиши асослаб берилган.

Шу билан бирга, ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда тергов фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган.

Жумладан, Қуролли Кучларда ҳарбий интизом ва ҳарбий хизматни ўташнинг низом қоидалари бузилиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик аҳволини тизимли равишда таҳлил қилиш, Қуролли Кучларда жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларнинг рўйхатга олиниши ва ҳал этилишида қонун талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари тергов фаолиятида жиноят субъектлари фақатгина ҳарбий хизматчилар ва ҳарбийга мажбурлар ҳисобланиши, ҳарбий прокуратура органларига тааллуқли ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар фақат дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши ҳамда ярашув институтига тушмаслиги асослантирилган.

Ҳарбий прокуратура органларида прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, ҳарбий прокуратура органлари тергов амалиётида бошқа тергов органлари амалиётида учрамайдиган турли хил турдаги Низомга оид экспертизалар тайинланиши ва бу турдаги экспертизалар хулосалари олиниб ҳуқуқий баҳо берилиши йўлга қўйилиши билан бу соҳада прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этиши асослантириб берилган.

Тадқиқотчи томонидан Ҳарбий прокуратурада прокурор назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардияси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари ҳисобланиши асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш устувор йўналишлари” деб номланган учинчи бобида**, хорижий мамлакатларда ҳарбий прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари: қиёсий - ҳуқуқий таҳлили, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси фаолиятини такомиллаштиришнинг истиқболлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан хорижий мамлакатлар ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, бу борада Россия Федерацияси, Хитой, АҚШ, Туркия, Франция, Япония, Вьетнам, Бразилия, Мексика,

Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Қирғиз Республикаси ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвонлар “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ваколат доирасида Бош прокурор ва Ҳарбий прокурор буйруғи асосида берилиши қайд этилиб, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва Миллий гвардияда ҳарбий хизматчилар ва ходимларга ҳарбий ҳамда махсус унвонлар берилиши таҳлил этилгани ҳолда, тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрь кунги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомнинг 35-бандига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, ҳарбий прокуратура органлари ҳарбий хизматчиларига “адлия подполковниги”гача бўлган, “адлия подполковниги” ҳарбий унвони қўшилган ҳолда (офицерлар таркибининг бошланғич “лейтенант” ҳарбий унвони бундан мустасно) ҳарбий унвонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори буйруғи асосида берилиши тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар асослантирилган.

Диссертация муаллифи миллий ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз прокуратура органларининг алоҳида ҳарбий тузилмаси ҳисобланган Ҳарбий прокуратуранинг ўрни ва ролини такомиллаштиришга оид қонунчилик нормалари, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Ҳарбий прокуратура фаолиятини тўлақонли амалга оширишда, унинг вазифа ва ваколатларини янада кенгайтириш масалалари бўйича ўзининг қарашларини баён этган.

Тадқиқотда қонунчиликка кўра, Ҳарбий прокуратура органлари мустақиллиги, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштиришга йўл қўймаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси” деб номланувчи янги 14¹ моддани киритиш, бу билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ваколатларини кенгайтириш орқали Ҳарбий прокуратура органлари фаолиятининг қонунчиликдаги ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар асослантириб берилган.

Тадқиқотчи “Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида”ги Низомнинг 42-бандига, ҳарбий прокуратура органлари пенсионерларининг ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш мақсадида, пенсионер гувоҳномасидан бепул юришга имтиёз берилган жамоат транспортида фойдаланиш ҳуқуқига эга экани тўғрисида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида асослантирилган таклифини илгари сурган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонуни 37-моддасининг 2-хатбошисига, яъни “Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас” –деган мазмунда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни 43-моддасининг 2-хатбошисига, яъни “Ҳарбий хизматчи (ходим) тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас” деган мазмунда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларни асослантирилган.

